

---

# РИШТОНЛИК ЁШЛАР ЯПОНИЯДА ЎҚИШ УЧУН ГРАНТГА ЭГА БЎЛИШДИ

## Ҳамкорлик уфқлари

### РИШТОНЛИК ЁШЛАР ЯПОНИЯДА ЎҚИШ УЧУН ГРАНТГА ЭГА БЎЛИШДИ

Маълумки, 2019 йилда Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев Япония мамлакатига қилган ташрифи чоғида Майдзуру шаҳри билан меморандум имзолаган эди. Ушбу ҳамкорлик ўз мевасини бера бошлади. Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар марказида таҳсил олган уч нафар ёшлар – Иззатилло Исмоилов, Мирзараҳмат Тожибоев ва Шаҳзод Йигиталиевлар меморандум доирасида Майдзуру шаҳридаги политехника коллежига ўқишга қабул қилинди. “Кунчиқар юрт” вакиллари шартномага асосан Риштонлик ёшларнинг ҳар бирига 21 минг 500 доллар миқдориди (жами 64 минг 500 доллар) маблағни тўлаб беришади.

Бугунги кун Риштон тумани яна бир тарихий кун сифатида муҳрланиб қолди. Бугун Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар марказида Майдзуру шаҳри мэри Рёзо Тамати ва Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиевлар иштирокида видеоконференция бўлиб ўтди. Мазкур молотот жараёнида шунингдек, Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази директори Ғанишер Назиров, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Муҳсинхўжа Абдурахмонов, ўқишга қабул қилинган ёшлар ҳам қатнашишди.

Конференцияда сўзга чиққан Майдзуру шаҳри мэри Рёзо Тамати ўзаро ҳамкорликдан мамнун эканлигини баён этди.

- Риштон тумани билан дўстлик ришталарини боғлаганимиздан беҳад хурсандмиз, - дейди Рёзо Тамати. - Ҳамкорликларимиз ўз мевасини бера бошлагани бизни қувонтирди. Майдзуру шаҳридаги энг нуфузли таълим даргоҳида ўқишга йўлланма олган йигитларимизни чин юракдан табрикламан. Уларнинг бу ерда бемалол таҳсил олиб малакали мутахассис бўлишлари учун барча шароитларни яратиб берамиз. Умуман олганда, сизлар билан ҳамкорликда қиладиган ишларимиз ҳали кўп.

Шундан кейин Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев ҳам сўзга чиқиб, Японияликлар билан ҳамкорлик бизлар учун катта фойда келтиришини таъкидлаб ўтди.

- Аввало, 2019 йил декабрь ойида шаҳрингизга ташрифимиз давомида бизга кўрсатган самимий меҳмондўстлигингиз учун сизга ва сиз орқали бутун жамоангизга чуқур миннатдорчилигимни билдираман, деб сўз бошлади туман ҳокими. - Сизнинг Майдзуру шаҳрингиз ва Риштон тумани ўртасида имзоланган меморандум икки шаҳарнинг дўстона муносабатларига, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга, кадрлар тайёрлашга ва ўзаро кадрлаш алмашилиши учун асос бўлади деб ишонаман.

Риштон туманидаги Риштон-Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази “Норрико Гаккию” тўғарак сифатида фаолият юритаётган бўлиб, 1998 йилдан то бугунги кунга қадар 3000 нафарга яқин ёшларга япониялик кўнгилли ўқитувчилар томонидан беминнат япон тили ва маданиятини ўргатиб келмоқда. Марказда таҳсил олган 160 нафардан ортиқ ёшлар Япониядаги олий ўқув юрларига ўқишга қабул қилинган. Айни дамда ушбу марказнинг 100 нафар ортиқ тарбияланувчилари “Кунчиқар юрт”да турли соҳаларда фаолият юритиб келаётганини айтиб ўтиш жоиз. Мана бугун ушбу марказ ўқувчилари - Иззатилло Исмоилов, Мирзараҳмат Тожибоев ва Шаҳзод Йигиталиевлар меморандум доирасида Майдзуру шаҳридаги политехника коллежига ўқишга қабул қилинган биз учун қувонарли ҳолат. Умид қиламанки, кейинги йилларда талабалар сони янада ошади. Келажакда барча соҳадаги алоқаларимиз янада мустаҳкамланишига умид қиламан ва ишонаман.

Сизга яна бир бор Риштон тумани халқи номидан чуқур миннатдорчилик билдираман ҳамда сизни Риштон туманига таклиф қиламан.

Бугунги конференцияда шунингдек, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Муҳсинхўжа Абдурахмонов ҳам сўзга чиқиб, ушбу ҳамкорлик бардавом бўлишини ва янги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишни тилади.

Конференция якунида Майдзуру шаҳри мэри Рёзо Тамати ва Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиевнинг шартнома имзолаш маросими ўтказилди.

2021-02-20 09:41:24